*Адл ила олам юзин обод қил!*

# Куч – адолатда

**2024 йил**
**15 ноябрь,**
жума
**№ 50**
(1032)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.kuch-adolatda.sud.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

## ТИББИЁТ СОҲАСИГА ДОИР ТАКЛИФЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

***Президент Шавкат Мирзиёев 14 ноябрь куни касалликларни эрта аниқлаш ва самарали даволашга оид таклифлар тақдимоти билан танишди.***

Давлатимизнинг ижтимоий сиёсатида соғлиқни сақлаш соҳаси катта ўрин эгаллайди. Сўнгги етти йилда бу тизимга ажратилаётган маблағлар 6 карра оширилган. Олдин фақат Тошкентда бажарилган 400 дан ортиқ юқори технологик амалиётлар бугун вилоят ва туманларда ҳам ўтказилаяпти.

Касалликларни эрта аниқлаш мақсадида онкология, эндокринология, кардиология марказлари ҳудудларда скрининг текширувлари олиб бораяпти. Масалан, 1 миллион 700 минг нафар аёл скрининг қилиниб, 49 мингида саратон олди касалликлари топилган. Бу йил ярим йилликда 122 минг нафар аҳолида юрак қон-томир ва қандли диабет эрта босқичда аниқланган.

Аҳоли саломатлигини сақлаш – узлуксиз жараён. Соҳадаги таҳлил ва талабдан келиб чиқиб, муҳим йўналишлар бўйича таклифлар тайёрланган. Тақдимотда шулар ҳақида сўз борди.

Маълумки, даволашдаги энг катта муаммо – касалликнинг кеч юзага чиқиши. Шу боис Президентимиз ташаббуси билан Қашқадарёда, тажриба тариқасида, онкология бўйича ҳар бир эрта аниқланган ҳолат учун тиббиёт бригадаларига 2 миллион сўмдан мукофот бериш жорий қилинди. Натижада оилавий шифокорлар ўз маҳалласидаги 51 нафар аёл ва болаларда шундай белгиларни аниқлади. Бунинг учун 102 миллион сўм мукофот пули берилиб, кеч босқичда сарфланадиган 8 миллиард сўм маблағ тежалган.

Таҳлилларга кўра, жами онкологик касалликларнинг ўртача 20-25 фоизи аёллардаги кўкрак бези ва бачадон саратонига тўғри келади. Шу боис бу борада скрининг кенгайтириш ва уларнинг реестрини юритиш режалаштирилмоқда.

Шунингдек, гематология, кардиология, эндокринология касалликларини эрта аниқлаш ва уларни даволаш бўйича уч йиллик дастурлар бу йил якунига етади. Мутасаддиларга эришилган натижаларни ҳисоб-китоб қилиб, уларнинг муддатини узайтириш бўйича кўрсатма берилди.

Тиббиёт муассасаларига марказлашган ҳолда дорилар харид қилишда ҳам камчиликлар бор. Баъзи шифохоналарда талабга нисбатан кам олинган бўлса, баъзиларида дорилар ортиб қолган.

Шу боис дори воситалари ва тиббий буюмларни ўн беш ойлик талаб асосида харид қилиш тизими таклиф этилмоқда. Бунда келгуси йиллар учун эҳтиёжлар 1 августдан кечикмасдан, Давлат бюджети параметрлари билан бир вақтда шакллантирилади.

Шунингдек, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида “Харидлар маркази” ва унинг 13 та ҳудудий филиали ташкил қилинади. Марказга 2025 йил 1 январдан бошлаб, оригинал дори воситалари ва ёпиқ турдаги лаборатор ускуналар учун сарфлов воситаларини бевосита ишлаб чиқарувчидан тўғридан-тўғри харид қилишга рухсат берилади.

Яна бир таклифга кўра, донорларни қўллаб-қувватлаш кенгайтирилади. Жумладан, “Ўзбекистон Республикаси фахрий донори” кўкрак нишони олганларга бир йўла бериладиган пул мукофоти базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 бараваридан 15 бараваригача оширилади. Уларга жамоат транспортидан бепул фойдаланиш ҳуқуқи берилади, давлат сиҳатгоҳларида даволаниш навбатсиз бўлади.

Ушбу янги тизим келгуси йил 1 январдан жорий қилиниши белгиланди.

Мамлакатимизда санитария ва фитосанитария чоралари бўйича Жаҳон савдо ташкилотини хабардор қилиш тартибини йўлга қўйиш масаласи ҳам кўриб чиқилди.

**ЎзА**

***Сўнгги йилларда мамлакатимизда маҳкумлар учун қулай шарт-шароитлар яратиш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши ҳамда шаъни ва қадр-қиммати ҳурмат қилинишини таъминлаш борасида муҳим чора-тадбирлар изчил амалга оширилди.***

Моҳият




Бу борада Озарбайжон, Бирлашган Араб Амирликлари, Грузия, Италия, Латвия, Туркия, Туркманистон, Украина, Қозоғистон, Эрон каби бир қатор давлатлар билан маҳкумларни мамлакатга қайтариш бўйича икки томонлама шартномалар имзоланиб, соҳанинг ҳуқуқий базаси такомиллаштирилди. Шунингдек, Ўзбекистон МДҲнинг Мажбурий даволаш ўтказиш учун руҳий касалликка чалинган шахсларни топшириш тўғрисидаги конвенцияси иштирокчиси ҳам саналади.

Ушбу шартномалар маҳкумларни топшириш соҳасида муҳим норматив-ҳуқуқий база ҳисобланади. Улар айни шартномаларда иштирок этувчи давлатлар ваколатли органларининг ўзаро ҳамкорлигига хизмат қилмоқда.

(Давоми 3-бетда) ▶

Янги фармон

***Маҳалла гузаридаги ёши улуғларнинг гурунги қизиқ. Суҳбат бир қарашда содда, бироз тингланса, бугуннинг – жамиятнинг ойнасига ўхшайди.***

## Оиладан олисда қўшимча даромад топиш осон юмуш эмас

– Шокир тандирчининг ўғли совуқ жойлардан юртга қайтибди, – дейди сўрининг тўрида ўтирган отахон яктагининг енгини тўғирлар экан. – Эрталаб ўзи билан гаплашдим, кўз тегмасин, шашти баланд. Энди кетмас экан. Яхшигина тўплаганга ўхшайди. Маҳаллада цех қиламан дейди. Ҳунарли эр қаерда бўлса ҳам хор бўлмайди, дўст-душманга зор қолмайди дегани шуда. Кечирасизлар, буни ўзи нимага эсладим? Ҳа, айтганча, яхши иш олдидан эҳсон қиляпти экан. Эртага ош дамлаяпти, ҳаммамизни уйига чақирди.

Дастурхондаги чойнакни янгилаб кетишди. Ҳамма ўзини бироз ростлаб ўтириб олди. Бўш пиёлаларга иссиқ чой сузилди.

– Четдан ҳамма ҳам зўр бўлиб келаётгани йўқ, – дейди бошқа бир нуроний ёнбошлаб ўтирган ёстиғини сал ўзига тортиб. – Мана, раҳматли Нуриддин дўкончининг боласи уч ойдан буён бирор тайинли ишга жойлашмади. Телефонда ўзим гаплашдим. Бўлди кел, отангдан қолган дўконни ишлат, дедим. Маҳаллада шуларга ўхшаганларга ер бериляпти экан. Айтамиз, сенам ерли бўласан, дедим. Экин-тикин қилса яхшида. Хуллас, ҳамма жойнинг тош-тарозиси борлигини, бир касбнинг бошини тутмаса, шунақа тентираб юраверишини тушунтирдим. Ота-эналаримиз ҳунари йўқ кишининг, мазаси йўқ ишининг деб бекорга айтмаган. Бечора Нуриддин ўтганидан кейин, буларни тергамадикда. Бирор касб ўрган демадик.

Жамиятдаги ислоҳотлар энг қуйидан – маҳаллалар, мана шундай суҳбатлардан олинган хулосалар асосида олиб борилса, натижаси яхши бўлади.

Мамлакатимизда кейинги йилларда хорижда вақтинча меҳнат қилаётган фуқароларга зарур шароитлар яратиш, улар билан тизимли ишлаш ва меҳнат миграциясидан қайтганларнинг бандлигини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

(Давоми 2-бетда) ▶

***Мамлакатимизда фуқароларнинг эркин иш танлаш, адолатли ва хавфсиз меҳнат шароитларида ишлаш ҳамда ишсизликдан ҳимояланишига бўлган ҳуқуқлари амалда кафолатланган.***

Меҳнат қонунчилиги




Яъни амалдаги мустаҳкам қонунчилик базаси ҳеч кимни асоссиз, ғайриқонуний тарзда ишдан бўшатилишига йўл қўймайди. Қуйидаги фуқаролик иши шу ҳақда.

(Давоми 2-бетда) ▶

***Аввало шуни қайд этиш жоизки, амалдаги қонунчилигимизда ижтимоий ҳаётда юзага келадиган барча низоларга адолатли ечим мавжуд. Бироқ баъзан барвақт хулосага келиш, воқелик моҳиятини ҳар томонлама синчковлик билан ўрганмаслик каби бир томонлама ёки юзаки ёндашувлар оқибатида айрим ҳуқуқий масалалар узоқ вақт давомида ўз ечимини топмай келади. Қуйида ана шундай ҳолатлардан бири ҳақида фикр юритамиз.***

Қонун кўмаги

## АДОЛАТЛИ ЕЧИМ




Конституциямизда белгиланган ҳуқуқий меъёрларга кўра, ҳар бир фуқаро мулкдор бўлиш, ушбу мулкни тасарруф этиш ва уни кўпайтиришга ҳақли. Қорақалпоғистон Республикасининг Беруний туманида яшовчи Навбаҳор Абилова 2021 йилнинг январь ойида Бош Қомусимизда белгиланган ана шу тамойилга кўра, мазкур туманнинг “Махтумқули” овул фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган собиқ врачлик пунктини инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятлар эвазига олди-сотти шартномаси асосида сотиб олади. Мулк ҳуқуқи тегишли тартибда давлат рўйхатидан ҳам ўтказилади.

Унга асосан, харидор бино учун белгиланган 301 миллион сўмни сотувчи (Қорақалпоғистон Республикаси Давлат активлари бошқармаси) га 2021 йилнинг 19 апрель санасигача тўлаш мажбуриятини зиммасига олади.

Бироқ “Gulxon Durdona Shukur” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Навбаҳор Абилова тўлов юзасидан зиммасига олган мажбуриятини бажаришга шошилмайди. Шартнома муддати охирлаган 2021 йилнинг 19 апрелигача белгиланган миқдордаги пулнинг бор-йўғи 11 миллион сўмини тўлайди. 290 миллион сўм насиялигича қолади. У тўловни шартномада белгиланган муддатларда амалга ошириш ҳақида юборилган талабномаларни ҳам оқибатсиз қолдиради.

Шундан сўнг сотув бўйича воситачи ҳисобланган Қорақалпоғистон Республикаси Давлат активлари бошқармаси ўзи ва “Gulxon Durdona Shukur” масъулияти чекланган жамияти ўртасида 2021 йил 25 январда тузилган “РК-388 э”-сонли шартномани бекор қилиш ва мулкни Беруний туман ҳокимлиги тасарруфига қайтаришни сўраб, судга мурожаат қилади. Суд томонидан даъво талаби қаноатлантирилади.

(Давоми 2-бетда) ▶

Қонун ҳимояси




***Янги таҳрирдаги Конституциямизнинг 68-моддасига кўра, ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий ресурслар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир.***

Аммо ҳаётда ушбу конституциявий қоидага амал қилмайдиган шахслар ҳам учраб туради. Масалан, Навбаҳор тумани прокуратураси судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, “Эъзозим келажаги” масъулияти чекланган жамиятига ажратилган 2.5 гектар ер майдонига бўлган ҳуқуқни бекор қилиш ва ер майдонини захирага қайтаришни сўраган.

Аниқланишича, Навбаҳор тумани ҳокимининг 2020 йил 17 сентябрдаги 431-сонли қарорига асосан, “Эъзозим келажаги” масъулияти чекланган жамиятига 2.5 гектар ер майдони интенсив боғ барпо этиш учун 10 йил муддатга вақтинчалик фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратиб берилган.

Ер кодексининг 20-моддасига кўра, ер участкалари вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимининг қарорига асосан давлат органларига, муассасаларига ва корхоналарига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига жамоат эҳтиёжлари учун доимий фойдаланишга берилади.

(Давоми 2-бетда) ▶

Мутолаа

## ДАВЛАТЧИЛИК ВА ҲУҚУҚ АНЪАНАЛАРИ – МАЪРИФАТ КЎЗГУСИДА

***Маълумки, давлат ва ҳуқуқ тарихи ҳуқуқий таълимнинг ажралмас қисми ҳисобланади. У ўқувчи ва талабаларда ҳуқуқий дунёқарашни, давлат ва ҳуқуқ институтларининг хилма-хиллиги тўғрисида билимларни, ҳуқуқий тафаккур асосларини шакллантиришга хизмат қилади.***




Хусусан, **“Давлат ва ҳуқуқ тарихи”** фани Ватанимизнинг неча юз йиллар мобайнида буюк цивилизация ва маданият марказларидан бири бўлганлигини, унинг давлатчилик ва ҳуқуқ соҳасидаги тарихий тажрибаси жаҳон цивилизациясига катта ҳисса бўлиб қўшилганлигини англашга ёрдам беради.

Ўзбекистон ҳудудида давлатчилик ва ҳуқуқ анъаналари мамлакатнинг икки Шарқ Ренессанси бешикларидан бири бўлишига пойдевор яратган. Бу тажриба **“Янги Ўзбекистон – Учинчи Ренессанс сари”** деган шиор остида мамлакатимизни янги ривожланиш босқичига кўтариш учун муҳим омилдир.

(Давоми 3-бетда) ▶




### ТЕМУРНИНГ ИЛМИ ВА УСТОЗЛАРИ

Амир Темурнинг маънавият ва тафаккурга доир фазилатлари кейинги даврлардаги Оврупо олимлари диққатини ҳам жалб этди. Француз адиби Альфонс де Ламартин бу хусусда ҳайратланиб фикр билдирган: **“Амир Темур дин, тиб, тарих, ҳуқуқ ва илми нужум соҳаларида замонининг энг билимли кишиси эди. Кўп ўқиган, Осиёда энг кўп қўлланилган туркча, арабча ва форсчани ғоят яхши билган, ҳуснихат санъатини ҳам эгаллаган ҳукмдор эди.**

**Александр, Атилла, Наполеонлардан бохабар Оврупо бунақа юксак иродa ва маънавий завқ соҳиби бўлган шахсиятни кўрмаган”.**

(Давоми 4-бетда) ▶

*Қонун кўмаги*

# АДОЛАТЛИ ЕЧИМ

## у такрорий суд муҳокамалари жараёнида қарор топди

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Бу ҳолат Беруний туманлараро иқтисодий судининг 2023 йил 25 августдаги ҳал қилув қарорида ўз ифодасини топган. Суднинг бу қарори кутилганидек, жавобгар тарафнинг эътирозига сабаб бўлади. Низоли масаланинг муҳокамаси Қорақалпоғистон Республикасининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати апелляция босқичида давом этди. Унда дастлабки босқич судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш ва ишни янгидан кўриш учун тағин Беруний туманлараро иқтисодий судига юбориш юзасидан ажрим чиқарилди. Туманлараро суди мазкур низоли масалани яна бир марта муҳокама қилди. Суд жараёни 2024 йилнинг 8 январида ниҳоясига етди. Факт ва далиллар даъвогарнинг талаби ўринли эканлигини кўрсатди. Унинг сўрови бу гал ҳам қаноатлантирилди. Аммо жавобгар мағлубиятга тан берадиганлар сирасидан эмас, шу боисдан шикоят яна давом эттирилди. Навбатдаги аризани кўриб чиққан Қорақалпоғистон Республика судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати ўзининг 2024 йил 4 апрелдаги қарори билан биринчи босқич судининг ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдирди. Табиийки, эътироз тўлқини бу билан ҳам босилмади. Жавобгар яна юқори турувчи суд органига мурожаат қилиб, ўзи илгари сурган важ ва далилларни атрофлича текширишни сўради. Даъво талаби қабул қилинди. Гал яна судловга етди.

Хуллас, кейинги суд жараёни Хоразмга кўчди: вилоят судининг иқтисодий ишлар бўйича тафтиш ҳайъати иш тафсилотларини атрофлича ўрганди. Томонларнинг фикр-мулоҳазалари, судга тақдим этилган факт ва далиллар батафсил кўриб чиқилди. Суд мажлисида кўрсатма берган жавобгар тараф – “Gulxon Durdona Shukur” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Н.Абилова муқаддам – 2021 йилнинг 25 январида тузилган инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятларга оид шартноманинг алоҳида бандига мувофиқ ўзи харид қилган қишлоқ врачлик пункти биносини қайта жиҳозлаш ва уни янги тадбиркорлик шохобчасига айлантириш жараёни давом этаётганлигини билдирди. Ушбу мақсад учун сарфланадиган маблағнинг умумий ҳажми 1 миллиард сўмдан ҳам зиёд эканини баён этди. Унинг айтишича, янги тадбиркорлик субъектини вужудга келтириш учун сарфланаётган катта ҳажмли инвестициявий маблағлар орадаги олди-сотти шартномасида белгиланган тўловни ўз вақтида амалга оширишга жиддий монелик қилган ва ҳозирда маблағ етишмовчилиги билан боғлиқ ушбу муаммони ҳал этиш имконияти пайдо бўлмоқда. Жавобгарнинг ушбу кўрсатмасига қарзни ундиришдан манфаатдор бўлган Давлат активлари бошқармаси ва Беруний туман ҳокимлиги вакиллари эътироз билдиришмади. Аксинча, суд мажлисида сўзга чиққан даъвогар вакили тарафлар ўртасида келишув битими тузилганлигини маълум қилди ва суддан уни тасдиқлашни сўради. Айни шундай мазмундаги сўров бинонинг амалдаги эгаси – туман ҳокимлиги томонидан ҳам ўртага ташланди.

Сирасини айтганда, бу низолашиб келган томонлар учун ҳам, ишнинг адолатли ҳамда қонуний ечимини назарда тутган тафтиш суди ҳайъати учун ҳам айни муддао бўлди.

Муроса ва мадорага не етсин?! Бинобарин, амалдаги қонунлар ҳам бундай келишувни ёқлайди. Чунончи, Иқтисодий-процессуал кодекснинг 131-моддасига кўра, тарафлар низони келишув битими ёки медиатив келишув тузиб, ҳал этиши мумкин. Мазкур битим ёки медиатив келишув даъво тартибидаги ҳар қандай иш бўйича тузилиши мумкин. Битим иқтисодий суд ишларини юритишнинг ҳар қандай босқичида, суд ҳужжатини ижро этиш жараёнида, медиатив келишув эса, биринчи инстанция судида суд алоҳида хонага (маслаҳатхонага) суд ҳужжатини қабул қилиш учун чиққунига қадар тарафлар томонидан тузилиши мумкин. Келишув битими у суд томонидан тасдиқланганидан кейин тузилган ҳисобланади.

Тафтиш суди ана шу асосларга биноан, тарафлар ўртасида 2024 йил 7 августда тузилган битимни тасдиқлади. Унга кўра, Қорақалпоғистон Республикаси Давлат активлари бошқармаси ва Беруний туман ҳокимлиги мазкур битимга биноан шартномадан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажариш учун шу йил охиригача муддат белгилаб беради; “Gulxon Durdona Shukur” масъулияти чекланган жамияти ушбу шартга тўлиқ рози бўлиб, даъвогар идора ва фуқаро Навбаҳор Абилова ҳамда туман ҳокимлиги ўртасида 2021 йил январь ойида уч томонлама тузилган инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятлар шартномасида кўрсатилган ишларни бажаришга оид барча ҳисоботларни, инвестициялар амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар, шунингдек, ишлаб чиқариш учун имконият ва шароитлар мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этади; Республика Давлат активлари бошқармасига 267,7 миллион сўмлик харид тўлови ва 106,5 миллион сўмлик шартномавий устамани тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

Иқтисодий-процессуал кодекснинг 110-моддаси бўйича, келишув битими тузилиб, суд томонидан тасдиқлангач, иш юзасидан аввал қабул қилинган суд қарорлари бекор қилинади ва суд иши ҳаракатдан тугатилади.

Тафтиш ҳайъати суди қонунчиликнинг ана шу талабларини изчил бажарди. Ушбу иш бўйича Беруний туманлараро иқтисодий суди томонидан 2024 йил 8 январда ва Қорақалпоғистон Республикаси суди иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2024 йил 4 апрелда қабул қилинган қарорлар бекор қилинди. Жавобгар тарафидан амалга ошириладиган тўловни жорий йилнинг 31 декабрига қадар адо этиш мажбурияти унинг зиммасига юклатилди.

Хулоса қилиб айтганда, адолат, одиллик ва қонунийлик номи билан аталмиш эзгулик тамойили кеч бўлса-да, рўёбга чиқди. Мазкур низоли масала боши берк кўчага кириб қолгани ҳақидаги баъзи тахмин ва баҳс-мунозараларга чек қўйилди. Инсонпарварликка асосланган қонунчилигимиз ҳақиқат ҳеч маҳал синмаслигини, адолат ерда қолмаслигини, қонунийлик эса, ҳамиша тантана қилишини яна бир марта амалда тасдиқлади. Зеро, адолат ва қонунийлик излаганлар эзгу орзуларига жавоб топади, албатта.

**Музаффар БОБОНАЗАРОВ,**
*Хоразм вилояти суди иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати судьяси*
**Абдулла СОБИРОВ,**
*“Куч – адолатда” мухбири*

*Янги фармон*

# Оиладан олисда қўшимча даромад топиш осон юмуш эмас

фаолиятини мувофиқлаштирувчи ва мазкур соҳада давлат хизматларини кўрсатувчи ваколатли республика ижро этувчи ҳокимият органи ҳисобланади.

– Дунё давлатларида ишчи кучига бўлган талаб турлича, у маълум даврларда ўзгариб туради, – дейди Миграция агентлиги директори ўринбосари Азимжон Ҳусанов. – Шунинг учун инсон меҳнатига бўлган эҳтиёжнинг, ишчи кучига бўлган талабнинг кўчиб юриши табиий жараён. Президентимизнинг фармони билан иш берувчиларни излаб топиш, уларни сифатли танлаш мақсадида Ўзбекистоннинг хориждаги ваколатхоналари ва муассасаларининг жавобгарлиги кучайтирилди. Шунингдек, бу ҳужжат иш берувчиларнинг масъулиятини ошириш ва фуқароларга хизмат кўрсатишни янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилади.

Хусусан, агентлик ташқи меҳнат миграцияси жараёнларини комплекс тартибга солишга эътибор қаратади. Фуқароларни хорижга вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун ташкиллаштирилган ҳолда юбориш ишларини назорат қилади. Хусусий бандлик агентликларининг юртимиздан ташқарида иш қидираётган шахсларни ишга жойлаштириш бўйича фаолиятини лицензиялаш, улар томонидан лицензия талаблари ва шарт-шароитларига риоя этилишини ўрганади.

Муҳим томони, хорижий иш берувчиларнинг талабларидан келиб чиқиб, фуқароларни касб-ҳунар ва чет тилларига ўқитиш ишларини ташкил қилади.

Чет элда ишлаш осон эмас. Агар юртдошларимиз ўша вақтда ҳуқуқлари бузилган, қийин аҳволда қолган бўлса, уларни қонунчиликда белгиланган тартибда ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш чоралари кўрилади.

Келгуси йилнинг 1 январдан бошлаб агентликка хусусий бандлик агентликлари фаолиятини текшириш билан боғлиқ назорат тадбирларини тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилни хабардор қилган ҳолда ўтказишга рухсат этилади. У томонидан ўтказилган ҳар қандай текшириш натижаси бўйича тузилган баённомалар, ҳар бир текширилган субъект кесимида аниқланган қонун бузилиши ҳолатлари сони ва хусусияти ҳақидаги маълумотлар мажбурий тартибда “Хорижда иш” меҳнат миграцияси электрон дастурий мажмуасига жойлаштириб борилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошириш жараёнларини тартибга солиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори эса, фуқароларнинг хорижда вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошириш имкониятларини кенгайтириш ва уларга кўрсатиладиган хизматлар сифатини оширишда муҳим аҳамиятга эга ҳужжат бўлди.

Қарор билан хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи шахсларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармаси агентликка ўтказилиб, унинг негизида юридик шахс мақомига эга бўлмаган Миграция жамғармасини ташкил этиш кўзда тутилди.

Бу жамғарманинг маблағлари, аввало, соҳада фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилади. Хорижда ишлаш ниятида бўлган, лекин бунинг учун етарли маблағи бўлмаганларга «ишчи виза»ларни расмийлаштиришда, тил ва малака сертификатларини олишда кўмаклашилади.

Хорижий иш берувчилар томонидан таклиф қилинаётган иш ўринлари ҳақидаги барча маълумотлар электрон платформа, оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда очиқ эълон қилиб борилади. Махсус электрон платформада фуқароларга ўзининг резюмесини шакллантириш ва жойлаштириш ҳамда эълон қилинган иш ўринлари бўйича танловларда эркин иштирок этиш имконияти яратилади.

Агентликнинг ҳудудий филиаллари томонидан эса, фуқароларнинг хорижда ишга жойлашиш билан боғлиқ, шу жумладан, «ишчи виза»га оид ҳужжатларини расмийлаштириш бўйича бепул консалтинг хизматларини кўрсатиш амалиёти йўлга қўйилади.


Агентлик тегишли вазирликлар билан биргаликда келгуси ўқув йилидан бошлаб касбга ўқитиш муассасаларида малака сертификатлари берилишини йўлга қўяди. Бунда халқаро таълим дастурлари асосидаги ўқув курслари ташкил этилади. Уларнинг битирувчиларига хорижий иш берувчилар томонидан тан олинадиган малака сертификатлари берилади.

Бу икки ҳужжатда соҳага доир масалаларни ҳал этишга қаратилган бандлар кўп. Уларнинг ҳаммасига алоҳида тўхталмадик. Муҳими, мақсад ва режалар аниқ. Вазифалар ижросига масъул вазирлик ва идоралар кўрсатилган.

Оиласидан, она Ватанидан олисдан қўшимча даромад топиш осон иш эмас. Улар чет тилларини билса, қўлида ҳунари бўлса, ортларида ўзларини сўраб тургувчилар борлигини ҳис қилиб фаолият олиб борса, топаётган маблағида барака бўлади.

**Икром АВВАЛБОЕВ,**
*ЎзА мухбири*

*Қонун ҳимояси*




◀ (Бошланиши 1-бетда)

Ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим. Шунга кўра, “Эъзозим келажаги” масъулияти чекланган жамиятига вақтинча фойдаланиш учун ажратилган ер майдонига бўлган ҳуқуқ 2021 йил 25 октябрда давлат рўйхатидан ўтказилган.

Шу ўринда яна қонун талабига эътибор қаратсак, Ер кодексининг 36-моддаси биринчи қисми 10-бандида қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун берилган ер участкасидан бир йил мобайнида ва қишлоқ хўжалиги соҳасига тааллуқли бўлмаган эҳтиёжлар учун берилган ер участкасидан икки йил мобайнида фойдаланилмаганида, ер участкаси ёки унинг бир қисмига эгалик қилиш ҳуқуқи ёхуд ундан доимий ёки муддатли фойдаланиш ҳуқуқи, шунингдек, ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқи бекор қилиниши белгиланган.

Айтиш керакки, “Эъзозим келажаги” масъулияти чекланган жамияти қонуннинг ушбу талабига риоя этмаган. Яъни иш ҳужжатларида қайд этилишича, жавобгар ўзига ажратилган ер участкасидан талаб даражада фойдаланмаган, томчилатиб суғориш усули асосида боғ ва токзор ташкил этмаган, агротехник тадбирларни ўз вақтида амалга оширмаган.

Албатта, бундай масъулиятсизлик учун қонунда тегишли жавобгарлик белгиланган. Жумладан, ер тўғрисидаги қонунчилик бузилган бошқа ҳолларда ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширувчи орган томонидан ер эгаси ёки ердан фойдаланувчи олдиндан огоҳлантирилганидан сўнг туман (шаҳар) ҳокимига ер участкасини олиб қўйиш ҳақида тақдимнома киритилади. Туман (шаҳар) ҳокими тақдимнома асосида бир ойлик муддатда уни олиб қўйиш ҳақида судга даъво аризаси киритиши лозим. Туман (шаҳар) ҳокими, зарур ҳолларда, ер участкасининг ҳолатини ҳамда ер эгаси ёки ердан фойдаланувчи томонидан ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг сифатини қўшимча равишда текширишни тайинлашга ҳақли.

Шунингдек, Олий суд Пленумининг 2023 йил 20 ноябрдаги **“Судларда ерга оид низоларни кўришда қонунчилик ҳужжатлари нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”**ги қарорида ер участкасига бўлган ҳуқуқларни бекор қилиш масаласи, Ер кодексининг 38-моддасига мувофиқ, ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширувчи органнинг ер эгасини ёки ердан фойдаланувчини олдиндан огоҳлантирганидан кейин туман (шаҳар) ҳокимига ер участкасини олиб қўйиш ҳақида киритилган тақдимнома асосида туман (шаҳар) ҳокимининг ер участкасига бўлган ҳуқуқни бекор қилиш ва ер майдонини олиб қўйиш ҳақидаги даъво аризасига биноан, суд тартибида ҳал этилиши кўрсатилган.

Суд юқорида қайд этилган қонуний асосларга таянган ҳолда “Эъзозим келажаги” масъулияти чекланган жамиятига ажратилган ер участкасидан уч йилдан ортиқ вақт давомида фойдаланилмаганлиги сабабли ер майдонини туман ҳокимлиги захирасига қайтариш тўғрисидаги ҳал қилув қарори қабул қилди.

Хулоса қилиб айтганда, ер — қут-барака манбаи. Бироқ ундан унумли фойдалангандагина ана шундай бемисл хусусиятларини намоён қилади. Шундай экан, давлат ва халқ бойлиги бўлган ерни қаровсиз қолдиришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

**Бекзод ЖУМАЕВ,**
*Навбаҳор туманлараро иқтисодий суди раиси*

Меҳнат қонунчилиги

# ТУНГИ

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Темир йўл созловчиси ва тўсиқлари қўриқчиси вазифасида ишлаган Б.Фармонов ва М.Сайфиев (исм-шарифлар ўзгартирилган) жавобгар – “Ўзбекистон Темир йўллари” акциядорлик жамияти Бухоро минтақавий темир йўл бўлими унитар корхонаси “Зиёвуддин” темир йўл масофасига нисбатан меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги буйруқни ғайриқонуний деб топиб, ишга тиклаш, мажбурий прогул кунлари учун иш ҳақи ва маънавий зарар ундириб бериш ҳақида судга даъво аризаси билан мурожаат қилди. Даъвогарларнинг даъво аризалари судда бирлаштириб кўрилди.

Меҳнат низосининг келиб чиқиш сабаблари шуки, “Зиёвуддин” темир йўл масофаси касаба уюшмаси раиси Т.Бобожонов билан техник бўлим етакчи муҳандиси С.Жалилов 2023 йил 27 сентябрдан – 28 сентябрга ўтар кечаси тунги соат иккиларда Бегали Фармоновнинг хизмат вазифасини қандай бажараётгани бўйича кутилмаган текшириш ўтказади.

Эртаси куни эса, Бухоро минтақавий темир йўл узели унитар корхонаси юқори тезликдаги участкада ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш бўлими бошлиғи ўринбосари С.Бурҳонов ва бўлим етакчи муҳандиси Д.Файзиқулов тунги соат бир-у қирқларда М. Сайфиевнинг иш фаолиятини тўсатдан текширишга келишади. “Зиёвуддин” темир йўл масофаси бошлиғи А.Қудратовнинг 2023 йил 9 октябрдаги буйруғига кўра, текшириш натижаларига асосан Б.Фармонов ва М.Сайфиев билан тузилган меҳнат шартномалари бекор қилинади.

Даъвогар Б.Фармонов суд мажлисида текширувчилар келган пайтда ухламагани, телефонга олинган видео тасвирида ҳам бу ҳолат акс этгани, шунингдек, бу ҳақдаги далолатнома текшириш жойида эмас, балки эртаси куни корхонада компьютерда ёзилгани, бироқ унга имзо қўймаганини таъкидлади. Унинг қайд этишича, қонун талабига кўра, далолатнома ҳодиса содир бўлган жойнинг ўзида қўлда ёзилиши керак, аммо ушбу далолатнома процессуал тартиблар, қонунчилик талабалари бузилган ҳолда расмийлаштирилган.

Шунингдек, судда даъвогар бундан олдин иш фаолияти давомида бирон марта интизомий жавобгарликка тортилмагани, қарамоғида икки нафар вояга етмаган фарзанди борлиги, оилада ягона боқувчи экани, иш жойида ходимлар учун талаб даражасида шарт-шароит яратиб берилмаган бўлса-да, иш берувчи томонидан унга оғир интизомий жазо тайинлаганини важ қилиб, кўрсатма берди.

Даъвогар М.Сайфиев ҳам ўзининг даъво аризаси ва судда 2023 йилнинг 28 сентябрдан – 29 сентябрга ўтар кечаси соат бир-у, элликларда хизмат хонасига келган текширувчи С.Бурҳонов ва Д.Файзиевни кутиб олганини қайд этди. Текширувчилар унга хизмат юзасидан тушунтириш бериб, телефонларига тасвирга олиб, қайтиб кетишган.

Аммо 2023 йил 3 октябрь куни “Зиёвуддин” темир йўл масофаси масъул ходимлари даъвогар М.Сайфиевни чақириб, ўша текшириш ўтказилган тунда иш пайтида ухлаб ётганлиги тўғрисида далолатнома тузилганини айтишган...

Суд мажлисида жавобгар вакиллари М.Бобобеков ва Д.Тиловмуродовнинг кўрсатмалари ҳам эшитилди. Улар даъво талабларини тан олмасдан, даъвогарлар далолатномалар билан таништирилмаган бўлса-да, бироқ бошлиқ томонидан ўтказилган мажлисда далолатномалар ўқиб эшиттирилганини билдиришди.

Иш ҳужжатларида:

• текшириш далолатномалари;

• касаба уюшмаси раиси номига Б.Фармонов ва М. Сайфиев ички тартиб меҳнат қоидаларини бузгани сабабли Меҳнат кодексининг 161-моддаси 2-қисми, 5-бандига асосан, улар билан тузилган меҳнат шартномасини бир томонлама бекор қилишга розилик берилиши сўралган хатлар;

• касаба уюшмаси қўмитаси раиси томонидан А.Қудратов номига даъвогарлар билан тузилган меҳнат шартномасини бир томонлама бекор қилишга розилик берилиши маълум қилинган хатлар мавжуд.

Суд мазкур низога адолатли ечим топишда Олий суд Пленумининг 2023 йил 20 ноябрдаги **“Судлар томонидан меҳнат шартномасини бекор қилишни тартибга солувчи қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида”**ги қарори раҳбарий тушунтиришларига риоя қилди.

Хусусан, ушбу қарорнинг 65-бандида судлар ходим билан меҳнат шартномаси бекор қилинишининг қонунийлигини буйруқда кўрсатилган асослар бўйича текшириши лозимлиги алоҳида кўрсатилган. Меҳнат муносабатининг бекор қилинишини суд бошқа асосда кўришга ҳақли эмас.

Меҳнат кодексининг 161-моддаси 1-қисми талабига биноан эса, номуайян муддатга тузилган меҳнат шартномасини, шунингдек, муддати тугагунига қадар муддатли меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббусига кўра, бекор қилиш асосланган бўлиши керак.

Моҳият

# МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИК УНДА МАҲКУМЛАРНИ ТОПШИРИШ ТАРТИБИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИЛМОҚДА



**ХОРИЖИЙ ДАВЛАТНИНГ ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ МУАССАСАЛАРИДА ОЗОДЛИКДАН МАҲРУМ ҚИЛИШ ТАРЗИДАГИ ЖАЗОНИ ЎТАЁТГАН ФУҚАРОЛАРИДАН ЁКИ УЛАРНИНГ ҚАРИНДОШЛАРИДАН МАҲКУМЛАРНИ ТОПШИРИШ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА ҚАРИЙБ БЕШ ЙИЛ ИЧИДА БОШ ПРОКУРАТУРАГА 2 МИНГ 864 ТА МУРОЖААТ КЕЛИБ ТУШГАН.**

◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

Шундай бўлса-да, ушбу шартномаларни тўлақонли бажариш борасида бугунги кунда айрим қийинчиликлар мавжуд. Яъни ваколатли органлар томонидан озодликдан маҳрум этилган шахсларни жазони ўташни давом эттириш, шунингдек, руҳий касалликка чалинган шахсларни мажбурий даволаш учун фуқаролигига мансуб давлатга бериш ва қабул қилиш бўйича процессуал ҳаракатларни самарали амалга оширишда айрим муаммоларга дуч келинмоқда.

Бунга сабаб – Жиноят-процессуал кодексида маҳкумларни топшириш ва ўтказиш асослари, суд жараёни иштирокчиларининг процессуал мақоми, шунингдек, хорижий давлатлар судларининг қарорларини тан олиш ва ижро этишга оид илтимосномаларни судлар томонидан кўриб чиқиш ҳамда жазо белгилашни тартибга солувчи қоидалар мавжуд эмаслиги билан изоҳланади.

Таҳлилларга кўра, хорижий давлатнинг жазони ижро этиш муассасаларида озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони ўтаётган фуқароларидан ёки уларнинг қариндошларидан маҳкумларни топшириш масалалари бўйича қарийб беш йил ичида Бош прокуратурага 2 минг 864 та мурожаат келиб тушган. Ушбу кўрсаткич, ўз навбатида, бундай ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиб, зарур қўшимча ва ўзгартишлар киритишни тақозо этади.

Шу нуқтаи назардан, Олий Мажлис Сенатининг эллик тўққизинчи ялпи мажлисида **“Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида”**ги қонун сенаторлар томонидан маъқулланганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Янги қонун орқали Жиноят-процессуал кодексининг 29- ва 542-моддаларига тегишли ўзгартишлар киритилмоқда ҳамда кодекс янги 66-боб билан тўлдирилмоқда.

Кодекснинг 29- ва 542-моддаларида озодликдан маҳрум этилган шахсларни жазони ўташни давом эттириш, шунингдек, руҳий касалликка чалинган шахсларни мажбурий даволаш учун бериш ва қабул қилиш асосларини тартибга солувчи қоидалар белгиланган.

Бундан ташқари кодексга киритилаётган янги 66-боб 13 та моддани ўз ичига олади. Унда хорижий давлат судининг қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш, озодликдан маҳрум этилган шахсни жазони ўташни давом эттириш, шунингдек, ўзига нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси қўлланилган шахсни мажбурий даволашни давом эттириш учун қабул қилиб олиш ва хорижий давлатга беришнинг асослари, шартлари, кўриб чиқиш ва альтернатив жазо тайинлаш тартиби ҳамда рад этиш сабаблари қайд этилган.

Бунда маҳкумни топшириш ва қабул қилишга унинг қонуний вакили ёки яқин қариндошининг аризасига, шунингдек, қабул қилинаётган шахс ёки қонуний вакилининг розилиги билан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг ёки хорижий давлат ваколатли органининг сўровига кўра, йўл қўйилиши белгиланмоқда.

Шу билан бирга, янги қонунга асосан, маҳкумни қабул қилиб олиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

• озодликдан маҳрум этилган шахс ёки тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси қўлланилган шахс томонидан мурожаат йўлланади;

• шундан сўнг Бош прокуратура мазкур шахснинг фуқаролиги тасдиқлангандан кейин хорижий давлатнинг ваколатли органига масалани ҳал этиш учун зарур бўлган ҳужжатларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборади;

• сўров қаноатлантирилган тақдирда, Бош прокурор ёки унинг ўринбосари мазкур шахсларни қабул қилиш тўғрисида қарор қабул қилади;

• шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ёки унинг ўринбосари хорижий давлат судининг қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисида судга илтимоснома киритади;

• илтимоснома маҳкум яшаш жойига тегишли бўлган суд томонидан кўриб чиқилади;

• судья жазони ўташ учун халқаро шартномаларга мувофиқ, хорижий давлат томонидан топширилган маҳкумга нисбатан жазо муддати хорижий давлат судининг ҳукми билан тайинланган муддатга мутаносиб равишда жазо тайинлайди.

Янги қонун орқали озодликдан маҳрум этилган шахсни жазони ўташни давом эттириш, шунингдек, ўзига нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси қўлланилган шахсни мажбурий даволашни давом эттириш учун хорижий давлатга беришни рад этишнинг асослари ҳам аниқ белгилаб қўйилмоқда.

Мухтасар айтганда, ушбу янги қонун миллий қонунчиликда маҳкумларни топшириш тартибининг норматив-ҳуқуқий асосини шакллантириб, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари бўйича мажбуриятларини лозим даражада ижро этиши имкониятини беради. Ўз навбатида, маҳкумни унга белгиланган жазони ўз давлатида ўташи орқали уни ижтимоий реабилитация қилишни жадаллаштиради.

Шу билан бирга, хориждаги фуқароларнинг ҳуқуқий ҳимоя қилиниши ва уларга ҳомийлик кўрсатилиши Ўзбекистон Республикасининг халқаро майдондаги нуфузига ижобий таъсир қилади.

**Арзиқул СОАТОВ,**
*Олий Мажлис Сенати Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси аъзоси*

Жиноятга жазо муқаррар

# ТИЛ ДИЛГА ЙЎЛ ТОПАДИ



***Халқимизнинг кўп минг йиллик қадрияту анъаналарида каттага ҳурматда, кичикка иззатда бўлиш, айниқса, муҳтож кишиларга кўмак бериш, уларнинг оғирини енгил қилиш алоҳида эъзозланади. Буларнинг акси бўлган жиззакилик, дилозорлик сингари иллатлар эса, қаттиқ қораланади.***

## БАЪЗАН АКСИНЧА, ОЗОР ЕТКАЗАДИ

Халқимизга хос бу қадриятлар Конституциямизнинг 13-моддасида ҳам ўз ифодасини топган: **“Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади”.** Шунингдек, Конституциямизнинг 21-моддасига кўра, инсон ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, жамият ҳамда давлатнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига путур етказмаслиги шарт.

Афсуски, ҳаётда баъзан азалий қадриятларимизга зид ҳолатлар ҳам учраб туради. Яъни айрим кимсалар ўзгаларнинг шаъни ва қадр-қимматини топташдан ҳам тап тортишмайди.

Мисол тариқаси айтсак, Мирзо Улуғбек туманида яшовчи Салима Азимова (исм-шарифлар ўзгартирилган) ўйламай-нетмай гапиришнинг жабрини тортишга мажбур бўлди. Аниқланишича, С.Азимова 2024 йил 4 август куни туманнинг Феруза кўчаси, 5а-уй олдида кўп қаватли уйлар бошқаруви бошлиғи лавозимида фаолият юритувчи Г.Холисова билан тортишиб қолади. Икки ўртадаги можаро кўп қаватли уйнинг ертўласидаги қувурлар носозлиги ҳақидаги баҳсдан келиб чиқади. Салима Азимова шуни рўкач қилиб, мутасадди ташкилот вакилларини “Ўғрисизлар” дея ҳақорат қилади. Бундан табиийки, Г.Холисова кўпчиликнинг олдида мулзам бўлади. Бинобарин, у ўзининг шаъни, қадр-қимматини ҳимоя қилиш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идорага мурожаат қилади. Натижада С.Азимовага нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарликка оид иш қўзғатилган.

Бундан ташқари Асадулло Ўрмоновга ҳам қизиққонлиги панд берди. Гап шундаки, у 2024 йил 28 сентябрь куни таниши Ш.Абдуллаева билан телефон орқали мулоқот қилаётиб, баҳслашиб қолади.

**(Давоми 4-бетда)** ▶

# ТЕКШИРУВ

## ЁКИ ИШДАН БЎШАТИШ – КЎНГИЛ ХОҲИШИ ЭМАС



Мазкур модданинг 2-қисми 5-банди талабига кўра, ходимнинг ўз меҳнат мажбуриятларини бир марта қўпол равишда бузганлиги меҳнат шартномасини бекор қилишнинг асосланганлигини билдиради. Ходим билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишга олиб келиши мумкин бўлган меҳнат мажбуриятларининг бир марта қўпол равишда бузилишлари рўйхатини белгилаш ушбу Кодекснинг 162-моддасига мувофиқ амалга оширилади.

Суд ана шу қонуний талабларга асосланиб, даъвогарларнинг талаблари асосли деган тўхтамга келди. Негаки, меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги буйруқда асос сифатида касаба уюшмаси қўмитасининг 2023 йил 3 октябрдаги розилик хати ва 2023 йил 28 сентябрь ҳамда 3 октябрь кунларидаги касаба уюшмасининг мажлис қарори деб кўрсатилган.

Бироқ “Зиёвуддин” темир йўл масофаси корхонаси бошлиғи негадир Б.Фармонов ва М.Сайфиев билан меҳнат шартномасини бекор қилишга розилик бериш учун тақдимнома эмас, балки йўлланма хат билан касаба уюшмасига мурожаат қилган. Касаба уюшмаси қўмитаси эса, розилик бериш масаласини касаба уюшмаси қўмитаси ходимлари иштирокида муҳокама қилмаган, йиғилиш ўтказмаган ва йиғилиш баёни ёки касаба уюшмаси қўмитасининг розилик бериш тўғрисидаги қарорини қабул қилмаган.

Меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги буйруқда касаба уюшмасининг мажлиси қарори деб кўрсатилган ҳужжат, аслида, иш берувчи, яъни “Зиёвуддин” темир йўл масофаси корхонаси бошлиғи А.Қудратовнинг ўрганишлар муҳокамасига бағишланган йиғилиш баёни ҳисобланади.

Суд муҳокамаси чоғида, Б. Фармонов ва М.Сайфиевнинг ички меҳнат тартиб-қоидаларини қўпол равишда бузганликда ифодаланган айбли хатти-ҳаракати ҳам ўз исботини топмади. Текшириш натижасига кўра, даъвогарларни хизмат вақтида ухлаб қолган деб далолатнома тузилган бўлса-да, тақдим этилган ҳар иккала видеотасвирларда уларнинг айнан ухлаб қолганлик ҳолати сезилмайди.

Шу ҳолат юзасидан текшириш жойининг ўзида далолатнома тузилмаган, гувоҳлар, холислар иштироки таъминланмаган. Даъвогарларнинг айбли ҳаракатлари тўғрисидаги далолатнома текширишнинг эртаси куни корхона компьютерида тузилган. У ҳам даъвогарларга таништирилмаган.

Суд даъвогарлар Бегали Фармонов ва Мардон Сайфиевларнинг даъво аризаларини қаноатлантириб, уларга нисбатан чиқарилган меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги буйруқни ғайриқонуний деб топди. Уларни ишга тиклаш, мажбурий прогул кунлари учун иш ҳақи ва маънавий зарар ундириб бериш тўғрисидаги даъво аризаларини қаноатлантириш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилди.

Шунингдек, “Ўзбекистон Темир йўллари” акциядорлик жамияти Бухоро минтақавий темир йўл узели унитар корхонаси “Зиёвуддин” темир йўл масофасидан Б.Фармонов ва М.Сайфиевнинг ҳар бири фойдасига 2023 йил 9 октябрь кунидан 2024 йил 12 февраль кунига қадар мажбурий прогул учун 21 миллион 159 минг 466 сўмдан иш ҳақи, 5 миллион 289 минг 866 сўмдан маънавий зарар ундирилди.

Шунингдек, дастлаб почта харажатлари учун тўланган суммалар ҳам даъвогарлар фойдасига ундирилиши ҳал қилув қарорида қайд этилди. Бундан ташқари суд жавобгар ҳисобидан давлат фойдасига 4 миллион 412 минг 757 сўм давлат божи ундирди.

Гувоҳи бўлганингиздек, ишдан бўшатиш — кўнгил хоҳиши эмас. Фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқлари мустаҳкам ҳимоядадир. Шундай экан, бу борада ҳар қандай ғайриқонуний хатти-ҳаракат ёки қонун бузилишига йўл қўйилмайди.

**Шуҳрат ҒУЛОМОВ,**
*фуқаролик ишлари бўйича Каттақўрғон туманлараро суди судьяси*

*Мутолаа*

# ДАВЛАТЧИЛИК ВА ҲУҚУҚ АНЪАНАЛАРИ – МАЪРИФАТ КЎЗГУСИДА

◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, *“узоқ ўтмишдан ҳозирги давргача миллий тафаккуримиз негизида шаклланиб келган, турли ғоя ва амалий ҳаракатларда ўз ифодасини топган эл-юртимизнинг орзу-умидлари бугунги кунда Янги Ўзбекистон тушунчасида жамулжам бўлди”.*

Яқинда юридик техникумлар ўқувчилари учун нашр этилган “Давлат ва ҳуқуқ тарихи” дарслиги (Тошкент: ТДЮУ, 2024. – 744 б.) Тошкент давлат юридик университети профессори Ҳайдарали Муҳамедов қаламига мансуб бўлиб, муаллифнинг бой илмий-педагогик тажрибаси асосида, шунингдек, юридик фанда охирги йиллардаги тарихий-ҳуқуқий тадқиқотлар натижаларини ҳисобга олган ҳолда тайёрланган. Айтиш жоизки, Ҳ. Муҳамедов юқори малакали ҳуқуқшунос олим, 40 йилдан ортиқ вақт мобайнида илмий-педагогик фаолият билан шуғулланиб, “Давлат ва ҳуқуқ тарихи” ўқув фани бўйича юридик таълим муассасалари талабаларига маърузалар ўқиб келмоқда.

Шу йиллар давомида Ҳ. Муҳамедов 10 га яқин монография, дарслик ва ўқув қўлланмалар, 100 дан ортиқ илмий мақола нашр эттирган. Муаллифнинг асарлари Ўзбекистон ва хорижий мамлакатлар давлати ва ҳуқуқи тарихига бағишланган.

Янги дарслик ўқув дастурига мувофиқ тайёрланган. Китобда қадим замонлардан бошлаб ҳозирга қадар Ўзбекистонда ҳамда хорижий мамлакатлар тарихининг турли давр ва босқичларида давлатчилик ҳамда ҳуқуқнинг шаклланиши ва ривожланиши босқичлари ҳамда хусусиятлари ёритилган.

Дарслик, шубҳасиз, бир қатор ютуқларга эга. У ўқувчиларга давлат ва ҳуқуқ тарихи соҳасида фундаментал билимларни эгаллашга ёрдам беради. Дарслик ўқувчиларни Ўзбекистон ҳамда хорижий давлатлар давлати ва ҳуқуқи тарихидаги асосий воқеалар, тушунчалар, анъаналар, институтлар, тузилмалар, ҳужжатлар билан таништиради.

Шунингдек, ўқувчилар китобдан давлат ва ҳуқуқ тарихидаги энг муҳим ислоҳотлар мазмуни, қонунчилик ҳужжатлари намуналари тўғрисида маълумотларни олади. Дарсликда Ўзбекистон давлат ва ҳуқуқи тарихидан ташқари, Европа ва Америка давлатлари, Япония, Хитой каби мамлакатлар давлат ва ҳуқуқ тарихига катта эътибор қаратилган.

Дарсликда Ўзбекистон ҳудудидаги илк давлатларнинг келиб чиқиши шарт-шароитлари, сабаблари ва хусусиятлари, Ўзбекистон ҳудудидаги илк давлатларнинг ижтимоий-сиёсий тузуми, Ўзбекистон ҳудудидаги қадимги давлатлар ҳамда ўрта асрлар давлати ва ҳуқуқи ёритилган. Айниқса, мустақил Ўзбекистон Республикаси давлати ва ҳуқуқининг ривожланиши кенг таҳлил этилган.

Шу билан бирга, “Давлат ва ҳуқуқ тарихи” ўқув фанининг юридик фанлар таркибида касбий ҳуқуқий онг ва қадриятларни, бўлажак ҳуқуқшуноснинг дунёқараши ва юридик тафаккурини, миллий ўзликни англашни, миллий давлатчилик ва ҳуқуқ тарихига, ота-боболар қолдирган меросга ҳурмат руҳини шакллантиришда устувор аҳамият касб этиши дарслик бўйича қатор таклиф ва мулоҳазаларни билдиришни тақозо этади.

***Биринчидан,*** фикримизча, “Давлат ва ҳуқуқ тарихи” ўқув фани предметида марказий муаммо – бу Ўзбекистон ҳудудида давлатчилик ва ҳуқуқнинг пайдо бўлиши ҳамда ҳозирги кунга қадар ривожланиши муаммосидир.


Шунинг учун мазкур ўқув фани, даставвал, Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихини, унинг анъана ва қадриятларини, ундан кейин хорижий мамлакатлар давлатчилиги ва ҳуқуқи тарихини ўрганишни мақсад қилади. Яъни Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихини ўрганиш устувор бўлиб, хорижий мамлакатлар давлати ва ҳуқуқи тарихи шу билан боғлиқ равишда ўрганилиши керак.


***Иккинчидан,*** дарсликнинг айрим бўлимларида ўқув материали давлат ва ҳуқуқ тарихини даврлаштириш тамойилларига номувофиқ ва номутаносиб равишда тақсимланган.

***Учинчидан,*** дарсликда Ўзбекистон давлат ва ҳуқуқ тарихининг ёритилишида узилиш ва бўшлиқларга йўл қўйилган. Давлат ва ҳуқуқ тарихининг айрим босқичлари, баъзи муҳим воқеалар эътибордан четда қолган. Жумладан, Ўзбекистон давлат ва ҳуқуқи тарихи ривожланишидаги янги босқич – Янги Ўзбекистонни барпо этиш бўйича давлатчилик ва ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар дарсликда лозим даражада ёритилмаган.

*Мухтасар айтганда, шу каби айрим камчиликларига қарамасдан, дарсликнинг юридик техникумлар ўқув жараёнидаги аҳамияти шубҳасиз, деб ўйлаймиз. Мазкур дарслик юридик техникумлар ўқувчилари, талабалар, ўқитувчилар ҳамда давлат ва ҳуқуқ тарихига қизиқувчилар учун фойдали манба бўлиб хизмат қилади.*

**Акмал САИДОВ,**
*академик*





*Тарих тилсимлари*

# АМИР ТЕМУР

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Рус тарихчиси Т. Грановский эса, Соҳибқиронни бундай таърифлайди: **“Темурнинг юрагида илмга ва илм эгаларига пинҳоний ҳурмат-эътибор қайнарди. У илм ва санъатни, тафаккурни юқори даражада тушунарди. У олимлар билан доимо суҳбат қурди. Шарқ ва Ғарб тарихидаги муҳим воқеалардан воқиф эди. Астрономияга алоҳида эътибор билан қararди”.**

Амир Темур умри бўйи илм эгаларига катта ҳурмат-иззат кўрсатди. Саройдами ёки ҳарбий сафардаги чодирида дам олаётганида ҳузурига бирорта олим кириб қолса, ўрнидан туриб, эҳтиром билан қаршиларди. Шунингдек, бирорта нодир асарга қизиқиб қолса, уни келтиришганда, қўлёзмага ҳурматан ўрнидан туриб қабул қиларди.

Фатҳ этилган ўлкалар олимларини ҳам иззатини жойига қўйиб ҳузурига чорлар, улар билан суҳбатлашар, фикрларидан завқ ва наф оларди. Кўнглига ҳайрат солган олимларни Самарқандга жўнатар ёки ўзи билан бирга бошкентга олиб кетарди. Уларга катта маош тайинлаб, Самарқандда қурдирган мадрасаларида дарс бердирарди.

Амир Темур ҳаётида муҳим аҳамият қозонган тўрт зот, Соҳибқироннинг тўрт пири ҳақида фикр юритиш қаторида, бизнингча, Амир Темур нима учун илм аҳлига бунчалар ҳурмат-эътибор кўрсатганининг сабабини билмоқ лозим. Бу ўша даврда Мовароуннаҳрда кенг ёйилган ва ижтимоий турмушда тенгсиз қудратга эга бўлган тариқатлар билан боғлиқдир.

Амир Темурнинг шахси тўғрисида сўз борар экан, умуман, Шарқ ва Ғарб тарихчиларидан кўпчилиги унинг жаҳонгирлиги, муҳташам салтанати, ҳарбий санъати, тактикадаги даҳоси, ўрдуни бошқариши, узоқни кўриши каби мислсиз қобилиятлари борасида фикр юритадилар.

Аслида, Соҳибқирон ўз даврининг улуғ олими, билимдони ҳам бўлган. Фақатгина салтанат ва сиёсат бобидагина эмас, балки инсоний муносабатлару илм-фан соҳаларида ҳам кенг маърифатли эди. Алишер Навоий Амир Темурнинг шеърга муносабати ҳақида фикр билдирар экан, унинг шеър айтишга эътимоди бўлмаса ҳам, бир шеър ёки байтни у зотдек ўз ўрнида ўқий олувчи шахс топилмаслиги, унинг бир байтни сўйлаши минг байт шеър ўқиганга тенглигини таъкидлаган.

### ЎЗ ДАВРИНИНГ АСРЛАРДАН ЎЗГАН МЕЪМОРИЙ ДАҲОСИ

Амир Темур ҳарбий юришлари чоғида қаерга бормасин, ўша ўлкалардаги истеъдодли инсонлар, олимлару санъаткорлар, меъморларни Самарқандга олиб келгани маълум. Бизнинг замонамизда бутун дунёда авж олган шаҳарлашув жараёнига ўхшаш ҳаракатни Самарқандда илк бор бошлаб берган Амир Темурдир. Бобур Мирзо ёзганидек, Амир Темур аввалига ўз туғилган шаҳрини пойтахт қилмоқчи бўлган ва шу мақсадда Шаҳрисабзда аллақанча маҳобатли иншоотлар барпо этган. Кейинроқ Мовароуннаҳр марказида жойлашгани, хушҳаволиги ва дунёга машҳурлигини ҳисобга олиб, Самарқандни бошкент қилиб танлади. Шаҳар жанубидаги тоғлардан Афғонистонга элтувчи йўл ҳам ўтарди.

Самарқанд 1220 йилдаги мўғуллар босқини оқибатида харобага айланганди. Амир Темур 1370 йилдан бошлаб лой-кесакдан тикланган уйлардан иборат шаҳарни янгидан қуришни режалаштирди ва бу ишга киришди. Аввало Самарқанд тевараги баланд қалъа деворлари билан ўраб чиқилди.

Кейин шаҳарни бир учидан бошқа учига боғлаган кенг савдо кўчаси очилди. Бу бош кўча атрофидаги уйларни йигирма кунда аскарларига буздириб ташлади. Зеро, жаҳоншумул шаҳар барпо этиш режаси бўйича ишлар авж олганди. Сон-саноқсиз қурувчилару ҳунарманд усталар кундуз қуёш нури, кечаси машъалалар ёруғида тинимсиз заҳмат чекдилар. Кўчанинг икки тарафида бир-бирига қараган дўконлар қурилди. Дўконлар битиши биланоқ уларни савдогару ҳунармандлар эгаллади. Амир Темур бутун шаҳарни бош лойиҳа асосида барпо эттирди. Уйлар, боғ, сарой, мадрасалар энг мақбул ерларда қад кўтарди. Ҳар кўча, ҳар бозор бир ёки икки турли молнинг сотилишига мослашган эди. Бу Амир Темурнинг орзусига кўра, амалга оширилган бўлиб, ўша даврдаги Самарқанднинг ўзига хос хусусиятларини ташкил этарди.

Шохкўча ва майдонларда булоқлар, ариқлар, ҳовузлар мавжуд эди. Улар тартибли қазилган бўлиб, доим сув оқиб турарди.

Ҳунарманд, косиб, усталарнинг дўкони батартиб жойлаштирилгани боис улардаги молларни ўзаро қиёслаб, энг маъқулини сотиб олиш имкони яратилиши баробарида рақобатга ҳам кенг йўл очилганди. Шунингдек, ҳар бир сотувчига алоҳида, ўзгармас жой берилгани сабаб барча ўз қўшниси билан яхши муомала қилишга мажбур эди.

Самарқандни жаҳон марказига айлантиришни орзу қилган Амир Темур шаҳарда Шоҳизинда, Бибихоним мадрасаси, ҳаммомлар, янги йўллар, кўприклар, карвонсаройлар, кўк гумбазли кошинкор бинолар, кенг боғлару, боғлар ичида сарой ва қасрлар қурдирди. Бошқа мамлакатлардан келган элчиларни ўз ҳайбату муҳташамлиги билан кишини лол этадиган ана шундай биноларда қабул этди.

Амир Темур Самарқанднинг кенгайиши ва дунёнинг энг гўзал шаҳри, машҳур илм маркази бўлиши учун тинимсиз ғайрат кўрсатди, бунинг учун хазинадан катта маблағ сарфлади. Оламнинг тўрт томонидан юз мингдан ортиқ меъмору санъаткорни Самарқандга келтиртирди. Темур фармонига кўра, Самарқанд атрофида ҳам қурилишлар авж олди ва Шом, Миср, Шероз, Бағдод, Султония деган қишлоғу қасабалар қад кўтарди.

Амир Темур халқнинг дам олиши учун катта, кенг боғ-роғлар яратди. Самарқанд теварагида турли номлардаги, бири қозонган зафарию, бошқаси хотинининг хотирасига аталган оромгоҳлар қурдириб, эл учун сайргоҳ қилиб қўйди. Яъни Амир Темур ҳам:

*Хон бўлсанг ҳам боғ ярат,*
*Қул бўлсанг ҳам боғ ярат,*
*Бир кун ерсан мевасиз, –*

деган ҳикматга амал қилди. Самарқанднинг тўрт тарафини ичида кўшк ва қасрлари бўлган улкан боғу саройлар билан ўраттирди, мустаҳкам қалъа деворлари тиклатди. Дилкушо боғи, Жаҳоннамо боғи, Тахти Қорача боғи, Беҳишт боғи, Чинор боғи, Юқори боғ, Гулбоғ, Конигил боғи, Давлатобод боғи каби ўнларча бўстонлар шулар жумласидандир. Бу боғларнинг ҳар бири ўзига хос, майдони кенг ва узун эди. Бир учидан иккинчи учига бориш учун баъзисида бир кун, баъзисида бир ҳафта юриларди. Боғлар ичидаги кўшку қасрларнинг девори Амир Темурнинг ҳарбий юришлари тасвирланган расмлар билан безатилганди. Таниқли сайёҳ ибн Баттута Самарқанд боғларини кезиб, ниҳоятда таъсирланган ва ҳаяжонланиб: **“Ўлим соати келганида, менга Самарқанд райҳонини ҳидлатинг, ўша замони тирилиб, ўрнимдан туриб кетаман”,** деган экан.

*(Давоми келгуси сонда)*

**Турк тилидан**
**Тоҳир ҚАҲҲОР таржимаси**

Қизиқарли ФАКТЛАР

***Баъзи китобхонлар бадиий асар қаҳрамони амалга оширган фавқулодда юксак даражадаги ишларга нисбатан ишончсизлик билан қарайди, гўёки, уларни муаллиф томонидан бўрттирилган образ сифатида талқин этади. Аслида-чи? Мисол учун машҳур Шерлок Холмс ҳақидаги биринчи китоб 1892 йил 14 октябрда нашр этилган ва тезда тилга тушган. Ўша пайтдан бошлаб, бугунги кунгача Шерлок Холмснинг ақл бовар қилмас тадқиқотлари, унинг ҳар қандай мураккаб вазиятда ҳам энг оқилона ечим топиши ҳақидаги ҳаяжонли ҳикояларига қизиқиш заррача сусайгани йўқ.***

## АФСОНАВИЙ ИЗҚУВАР




Асар муаллифи Артур Конан Дойл 1859 йил 22 майда Шотландиянинг Эденбург шаҳрида туғилган. У асли ирландиялик бўлиб, инглиз муҳитида вояга етган. Аксарият адабиётшуносларга ҳам, мухлисларга ҳам мақбул бўлган персонажи — Шерлок Холмсни адиб бениҳоя яхши кўрарди. Шунинг учун ҳам, мазкур қаҳрамонини “фавқулодда синчков ва интилувчан изқувар” сифатида тасвирлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйганди.

Хўш, машҳур изқувар Шерлок Холмс ёзувчи томонидан ўйлаб топилган қаҳрамон эдими? Дунёдаги деярли барча муваффақият қозонган асарларнинг прототипи, яъни бадиий образ учун асос бўлган ҳаётдаги вакили бўлган. Шу маънода, адиб Шерлок Холмс образига бир вақтлар университетда ўқитган ўқитувчиси, профессор Жозеф Биллнинг феъл-атворини “оқизмай-томизмай” “кўчирган”. Машҳур изқуварнинг мантиқий фикрлашлари, фавқулодда мураккаб кўринган воқеаларнинг аслида жуда жўнлигини тушунтириб бера олиш қобилияти сингари ажойиботлар прототипи — айнан шу ўқитувчиси эканлиги бугунги кунда адабиёт аҳлига маълум. Ёзувчининг қаҳрамони ҳамиша рўй берган воқеа-ҳодисанинг энг майда икир-чикирларигача эътибор беради. Масалан, унча-мунча қобилиятли изқувар жиноят жойини кўздан кечиргач, “жиноятчи баланд бўйли, чапақай, ўнг оёғи оқсоқ, таги қалин овчилар этигини кийган, ҳинд сигарасини хуш кўрадиган, чўнтагида ўтмаслашиб қолган қаламтароши бор”, дея худди кўзи билан кўриб тургандек аниқ-тиниқ таърифлаб бера олмайди. Демак, таъбир жоиз бўлса, бундай хусусият асар персонажидан ҳам кўра унинг ижодкорига кўпроқ алоқадор.

Ёзувчи ўсмирлик пайтида, ота-онаси хоҳишига кўра, коллежда таҳсил олган, бироқ унга ўқишдан кўра изланиш маъқул туюлган. Артур Конан Дойл 1881 йилда Эдинбург университетининг тиббиёт факультетини битирган. Ёш бакалавр пайтида эса, у Саутеи шаҳрида амалий фаолият юритиб, докторлик диссертациясини ҳимоя қилади. Ўттиз ёшидан бошлаб бадиий ижодга шўнғийди ва бу унга катта шон-шуҳрат келтиради. Отаси расм чизишда замондошларининг алоҳида эътирофига сазовор бўлган зиёли эди. Онаси эса, оддий воқеани ҳам жуда таъсирли тарзда ҳикоя қилиб бера олиш қобилиятига эга эди. Бўлажак адибга худди шу хусусият онасидан ўтган, шекилли.

Эътироф этиш керакки, ҳалигача айтарли ҳеч бир бадиий асар буюк изқувар Шерлок Холмс ҳақидаги китоб каби кўплаб бадиий фильм ва телесериаллар учун асос бўла олмаган. Бу факт ҳатто Гиннеснинг рекордлар китобига ҳам киритилган, чунки шу кунгача ушбу асар асосида 220 марта фильм суратга олинган.

Айтишларича, ёзувчи Артур Конан Дойлнинг ўзи ҳам Шерлок Холмсга ўхшаган, яъни ўта кузатувчан одам бўлган ва жиноятлар замиридаги энг мураккаб жумбоқларни ечишнинг уддасидан чиқа билган. Лондон полицияси, шунингдек, Хитой ва Миср ҳукуматлари айрим мураккаб жиноятларни фош этиш хусусида илтимос билан унга мурожаат қилиши ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Янда қизиқарлиси, мазкур қаҳрамоннинг топқирлиги Миср полициясини шу қадар ҳайратда қолдирганки, ҳатто 20-асрнинг бошларида ҳам, соҳага ишга киргач, ўз маҳоратини оширишни истаган барча терговчилар Артур Конан Дойлнинг асарлари бўйича имтиҳон топшириши талаб этилган. Асар қаҳрамони — Шерлок Холмс шуҳрат қозонган дедуктив усул, яъни мантиқ қоидаларига мувофиқ хулоса қилиш усули ҳаётда криминал полиция ходимлари томонидан ҳозиргача кенг қўлланилади.


Ўз вақтида, адиб номига келган кўплаб мактубларда-ги шахсий илтимосларга бефарқ қарамаган, бошқача айтганда, уларга ҳам “бўйсуниб” ижод қилган.

Ажабланарлиси, ёзувчига ўз қаҳрамони Шерлок Холмс шу қадар кўп “ташвиш”лар келтирадики, бу инжиқ персонажидан кўп маротаба “қутулмоқчи” ҳам бўлган. Шу боисдан, бу ўринли-ўринсиз “машмаша”лардан безор бўлган адиб ахийри, 1883 йилда “Холмснинг охирги иши” ҳикоясини ёзиб, биратўла бу узлуксиз “изтироб”ларига ҳам хотима ясаб қўя қолади. Айтишларича, муаллифга бу қарор фақат детектив ҳикоялар билан боғланишни тўхтатиш ва бошқа жанрларда ўзини синаб кўриш учун керак эди.

Адиб жуда камтарин инсон бўлган, бу машҳур асарига сўнгги нуқта қўйганидан кейин ҳам шундай деган: “Энди оғир моддий аҳволимни оқлайдиган ҳеч нарсам бўлмаса ҳам, ёзишдан тўхтаб тураман. Арзийдиган бирор сюжетсиз Шерлок Холмс ҳақида бир қатор ҳам ёзишга жазм қилолмайман. Бунинг учун сюжет мени ўзига жалб қилиши керак!”. Унинг бу иқрори ҳам Артур Конан Дойлга хос жасорат эди.

Ёзувчи 1930 йили вафот этган. Ундан ўлмас асарлар мерос қолди. Унинг асарлари жаҳоннинг кўплаб тилларига, жумладан, ўзбек тилига ҳам таржима қилинган. Юртимизда ҳам унинг мухлислари кўп. Чунки у миллионлаб адабиёт ихлосмандларининг қалбини забт этган ёзувчи ҳисобланади.

***Интернет материаллари асосида***
***Шаҳло ХУДОЙБЕРГАНОВА тайёрлади.***




◀ (Бошланиши 3-бетда)

А.Ўрмонов кутилмаганда қуюшқондан чиқиб, Ш.Абдуллаевани беҳаё сўзлар билан ҳақорат қилади. Бу ҳолатда ҳам жабрланувчининг мурожаати асосида А.Ўрмоновга нисбатан маъмурий баённома расмийлаштирилган.

Яқинда ҳар икки иш жиноят ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туман судида кўриб чиқилди. Аниқланган ҳолатларга кўра, суд С.Азимовани Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 40-моддаси билан айбдор деб топиб, унга базавий ҳисоблаш миқдорининг 30 баравари – 10 миллион 200 минг сўм миқдорида жарима жазоси тайинлади. А.Ўрмонов эса, ушбу кодекснинг 41-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этганликда айбдор деб топилди. Бироқ унинг қарамоғида касалманд ота-онаси борлиги инобатга олинди ва кодекснинг 33-моддаси тартибида базавий ҳисоблаш миқдорининг уч баравари – 1 миллион 20 минг сўм миқдорида жарима жазоси тайинланди.

Юқорида ўзингиз гувоҳ бўлгандек, С.Азимовага ҳам, А.Ўрмоновга ҳам одоб доирасидан четга чиқиш, жиззакилик қимматга тушди.

Жамиятда тинчлик-осойишталик барқарор бўлиши фуқароларнинг ўзаро аҳил-иноқлигига чамбарчас боғлиқ. Шундай экан, биз ўз одоб-ахлоқимиз, ўзгаларга хушмуомаламиз билан нафақат ён-атрофимиздагиларга ҳурмат кўрсатамиз, балки жамиятимиз осойишталигига ҳам ҳисса қўшган бўламиз. Бошқача айтганда, бу ҳол миллий таълим-тарбия тизимимизда ҳам ўз аксини топган. Чунончи, “Ўзингни эр билсанг — ўзгани шер бил” қабилидаги ҳикматларимиз сингари шарқона одоб-ахлоқ қоидалари замирида ҳам бошқа инсонларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш ҳисси устувор. Буни ҳеч қачон эсдан чиқармаслик лозим.

**Дилноза ҲОЛИҚНАЗАРОВА,**
*жиноят ишлари бўйича Мирзо Улуғбек тумани суди судьяси*

***Бутун дунё миқёсида одам савдоси жиноятига қарши курашиш долзарб вазифа ҳисобланади. Ўз навбатида, бу иллатга қарши муросасиз ва қатъият билан курашиш халқаро, минтақавий ва кўп томонлама ҳамкорликни талаб этади.***

***Ҳозирга қадар жиноятчиликнинг ушбу хавфли турига қарши курашиш ва унинг олдини олиш мақсадида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бир қатор халқаро тавсиявий ва мажбурий тусга эга ҳужжатлари қабул қилинган. Афсуски, дунё бўйлаб шунча кенг қамровли фаолият, тегишли тарғибот-ташвиқот ишлари амалга оширилаётганига қарамай ҳар йили жуда кўп кишилар “замонавий қуллик” ҳисобланган одам савдоси қурбонига айланмоқда.***

***Энг ёмони, одам савдосидан азият чеккан жабрланувчиларнинг аксарияти яқин танишларининг алдови оқибатида мушкул аҳволга тушиб қолмоқда. Уларнинг орасида юртдошларимиз ҳам борлиги ғоят ташвишланарли.***




Бунга ҳаётда мисоллар кўп. Жумладан, судланувчи Ҳосила Қўшатова (исм-шарифлар шартли) терговда қисми алоҳида иш юритувига ажратилган шахслар билан одамлардан фойдаланиш мақсадида уларни ёллаш учун тил бириктирган. Жумладан, у Нигина Абиловани хорижда тубан иш билан шуғулланишга қизиқтириб, 2024 йил 26 март куни “Самарқанд-Истанбул” йўналиши бўйича чипта сотиб олади. Сўнг у Н.Абиловани ўзи билан бирга хорижга олиб кетаётганда, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимлари томонидан ушланади.

Жиноят ишлари бўйича Бахмал туман судининг ҳукмига кўра, Ҳ.Қўшатова Жиноят кодексининг 135-моддаси 2-қисмининг “е” банди билан айбдор деб топилди ва унга нисбатан 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Кези келганда шуни алоҳида қайд этиш жоизки, одам савдосига қарши кураш борасида аҳолининг турли қатламлари, айниқса, аёллар ва вояга етмаган шахсларга бу иллатнинг фаровон ҳаётимизга соладиган хавфи ва салбий оқибатлари тўғрисида тушунтириш ишларини олиб бориш асосий вазифалардан биридир.

Шу маънода, туманимизнинг аҳоли гавжум жойлари – маҳаллалар, таълим муассасалари, идора, корхона, муассаса ва ташкилотларда тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориб, фуқароларимизнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини оширишга ҳаракат қилмоқдамиз.

Бугунги кунда мамлакатимизда юртдошларимизнинг хорижда меҳнат қилиши учун барча ҳуқуқий асослар яратилган. Уларнинг эмин-эркин шароитда ишлаши ҳамда муносиб ҳақ олишини таъминлаш мақсадида бир қатор имконият ва қулайликлар яратилмоқда. Ана шу қонуний имкониятлардан фойдаланиш ўрнига фирибгарларнинг турли алдовларига учаётган кишиларнинг хатти-ҳаракатини оқлаш қийин, албатта. Бу эса, ўз навбатида, жамиятда ҳуқуқий саводхонликни янада юксалтириш, қонунчилик тарғиботини кучайтириш, энг муҳими, янги иш ўринларини яратиш орқали аҳолининг бандлигини таъминлашни тақозо этади.

**Мақсуд ЭРНАЗАРОВ,**
*жиноят ишлари бўйича Бахмал тумани суди раиси*

***МУАССИС:***
**Ўзбекистон Республикаси Олий суди**

***Бош муҳаррир:***
Шодиқул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Бахтиёр ИСЛАМОВ, Робахон МАХМУДОВА, Халилилло ТУРАХУЖАЕВ, Икрам МУСЛИМОВ, Шуҳрат ПОЛВАНОВ, Холмўмин ЁДГОРОВ, Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ, Замира ЭСОНОВА, Азиз АБИДОВ, Бобомурод РАЙИМОВ

Саҳифаловчи: Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
**Манзилимиз: 100097, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чўпонота кўчаси, 6-уй, Тел.: 71 273-72-29 E-mail: kuch-adolatda@mail.ru**
Нашр индекси: якка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.
Буюртма: Г-1115 Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ.
Сотувда эркин нархда. Адади: 3935
1 2 3 4 5 6 Топшириш вақти: $22^{00}$. Топширилди: $22^{10}$.